

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Учкудуқ саноат техникуми
директори танлов комиссияси
раиси Ш.Н. Назаров
2022 йил

Учкудуқ туман Учкудуқ саноат техникуми спорт зал биносини том қисмини
жорий таъмирлаш ишлари обьекти бўйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:

I. Тандов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

1.ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. Танлов предмети ва қиймати .

- 1.1. Танлов предмети Учкудуқ саноат техникуми спорт зал биносини том кисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш
- 1.2. Танлов охирги қиймати 159 121 030 сўм (Бир юз эллик тўққиз миллион бир юз ийгирма бир минг ўттиз сўм.) Ушбу қийматдан ортиқ маблағлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилади.
- 1.3. Бажариладиган
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартома имзоланган кунидан бошлаб 5 кун
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2 ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ.

- 2.1. Учкудуқ саноат техникуми (бундан кейин Буюртмачи деб аталади) Танлов ташкилотчиси хисобланади.
- 2.2 Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3 Танлов “Учкудуқ саноат техникуми томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда , белгиланган муддатларда ўтказилади

3 ТАНЛОВИШ ТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага ега бўлган барча юридик мақомга ега бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар кўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқукий ва ваколатлар;

Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўгрисидаги маълумотлар;

Танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50фоиздан кам бўлмаган холдв):

Низом маблаги миқдори;

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка буноан лицензиялаштирилиши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсад этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди. Қайта ташкил этилган (ажратилиши қўшилиши) тутатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар , хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд.

4 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифтлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура Ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

-Техник қисм "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

-нархлар қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлик курсаткичлар кўрсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифтларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳир билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулиқ холда булиши талаб этилади:

-техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулиқ жавобгар булади;

-таклифлар бериш муддати тутагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга

5 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭЕИШ УЧУН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор махсус ахбарот порталида жойлаштирилиши лозим.

6 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор кабул бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчидеб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифтлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун шлдин қарор кабул қилишга хақли. Таварни ўзгартиришга йул қойилмайди. Бунда ушбу танловдв таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахбарот ўзгартирилган булса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритиладио

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжадлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларниг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахбарот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига хақли. Давлат буюртмачиси бундай сурʼов келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунишларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифлар кўрсатилган шартлар асосида тузилади